# Muslim Women in Travel 2019: Ўзбекистон мусулмон аёл сайёҳлар учун энг қулай мамлакатлар ўнталигидан жой олди




Сингапурда ўтказилаган “Halal in Travel Asia” саммитида  мусулмон аёллар саёҳатига оид “Muslim Women in Travel 2019” ҳисоботи эълон қилинди. “Mastercard” молия ташкилоти ва “CrescentRating” агентлиги томонидан эълон қилинган ҳисоботга кўра, Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида хавфсизлик ва диний бағрикенглик бўйича юқори ўринни забт этган мамлакатлар ўнталигидан жой олган.



Ҳисоботга кўра, мусулмон аёллар саёҳати жаҳон туризм бозорида энг тез ривожланаётган сегментлардан ҳисобланади. Мусулмон ўлкалардаги аёлларнинг даромадлари ошиб бораётгани ва уларнинг таълим даражаси юқори эканлиги уларни саёҳатга чиқишга ундамоқда, дейилади ҳисоботда. Ҳисоботда Ўзбекистоннинг мазкур йўналишда олиб бораётган ишлари ҳақида алоҳида маълумотлар тақдим этилган. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси в.в.б. Абдулазиз Аққуловнинг таъкидлашича, зиёрат туризми Ўзбекистонда туризмнинг истиқболли турларидан ҳисобланади. Мамлакатга келаётган сайёҳлар орасида мусулмон сайёҳлар сони аввалги йилга қараганда сезиларли даражада ошгани билан ажралиб туради.



MASTERCARD-CRESCENTRATING MUSLIM WOMEN IN TRAVEL 2019

INDUSTRY VIEWS

Muslim travelers are becoming a significant segment within Uzbekistan's tourism sector. While the overall number of tourists have grown by 128.5% this year, the number of visitors from Muslim-majority countries rose even more rapidly (172.3%). Uzbekistan's staggeringly rich Islamic architectural heritage is the central point that is attracting Muslim travelers. We have also seen an increase in both group and solo Muslim female visitors to Uzbekistan who are mainly from Southeast Asian countries. The safety and stability of the country are one of the main reasons female travelers prefer to visit Uzbekistan.

To promote Uzbekistan's tourism, we have launched several campaigns in the Southeast Asian media such as TV series like "Muslim Travelers" and "Hijab Traveling" with Indonesian Muslim Female influencers. We are going to continue to invite Muslim female influencers to promote. In addition, we plan to organize cultural festivals and events such as Ramadan Bazaars, Modest-fashion and Halal lifestyle shows to attract more Muslim women travelers.

**Mr. Abdulaziz Akkulov**
Chairman of the State Committee of the Republic of Uzbekistan for Tourism Development.

UZBEKISTAN

crescent rating

FOREWORD | MUSLIM TRAVEL MARKET | MUSLIM WOMEN TRAVELER INSIGHTS | INTERVIEWS | OUTCOMES | INDUSTRY VIEWS | DEMOGRAPHICS AND ACKNOWLEDGEMENTS

49

Ўзбекистон мусулмон аёл сайёҳларни мамлакатга жалб қилиш бўйича қатор ишларни амалга оширган. Жумладан, индонезиялик мусулмон аёл инфлюенсерлар иштирокида “Muslim Travelers” ва “Hijab Traveling” телекўрсатувлари намойиш этилган. “Биз, мусулмон аёл сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида турли тадбирлар, жумладан, “Рамазон бозори”, либослар кўргазмаси ва ҳалол-туризмга оид фестивалларни ўтказишни режалаштирмоқдамиз” – дейилади интервьюда.

***Манба***